

Уйда мушук боқиш мумкинми?

20:09 / 26.04.2016 22299

САВОЛ: Ислом динида хонадонларда мушук боқиш ҳақида қандай фикр ва қарашлар бор? Уйда мушук боқиш мумкинми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Мушук боқиш мумкин, боқилган ҳам. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мушуклар ҳақида «у сизларнинг атрофингизда айланиб юрадиган ҳайвонлардан» деб яхши гапларни айтганлар. Саҳобалардан Абдураҳмон ибн Саҳл мушукларни яхши кўриб, боқиб юрганлари учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан «Абу Ҳурайра» деган куняни олганлар, яъни «мушукчанинг отаси» деган маънода кунялаганлар. Ана шу маънода мушук уй ҳайвони сифатида боқилиши мумкин, бу маънода ҳеч қандай ман қилиш йўқ. Валлоҳу аълам.